Милодий IV аср бошида Хоразмда хукмронлик килган хоразмшох, афригийлар сулоласи асосчиси. Кадимги Хоразмдаги кўплаб калъаларнинг бунёд этилиши Африг номи билан боглик. 305-йилда хоразмшох Африг ўз кароргохини Кат шахрига кўчиради. Кат кайта тикланиб, Ал-Фир калъаси ичида шох ўзига янги сарой курдиради. Худди шу вактдан бошлаб Хоразмнинг Афригий шохлари бетига шох ва оркасига суворий тасвирлари туширилган кумуш тангалар зарб этиб, мамлакатнинг ички ва ташки савдо муносабатларида мустакил бўлиб оладилар.